



ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЖАХОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА ТУТГАН ҒРНИ

мавзундаги Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Бухоро - 2018

o'tmay hazrat maqbaralarining g'arbiy tomonida qabriston paydo bo'lib, unda hazratning murid-muxislari dafn qilina boshlagan. Keyinchalik bu erda Buxoroning hukmron sulola vakillari dafn qilinadigan "Daxmai shohon" tashkil topgan. XV asr oxirida Bahouddin Naqshband qabrlari ustiga daxma qurilib, u marmar qoplama va o'lchamlari bo'yicha bir-biriga mos keladigan go'zal naqshinkor marmar panjara bilan bezatilgan. XVI asr birinchi yarmida shayboniy Abdulazizxon (1540-1590) buyrug'i bilan Bahouddin Naqshband qabrlari atrofida hazira bilan o'rab olinadi, uning shimoliy-g'arbiy burchagida esa hijriy 951 (milodiy 1545) yillarda xonaqoh barpo etilgan. Haziraning shimoliy tomonidagi hovuz ham shu paytda qurilgan bo'lishi taxmin qilinadi.

U zot asos solgan sufiylikning Naqshbandiya tariqati hali-hanuz ko'plab muxislarga egadir.

ТАРИҚАТ ИЛМИНИНГ НАМОЁНДАСИ ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАРИҚАТ СОҲИБИ МИСОЛИДА

Абдуллаев Йўлчи Зияевич, БухДУ Ҳарбий таълим факультети бошлигининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари майор. yulchi-nvo@mail.ru

Бухоролик тариқат намоёндаларидан Баҳоуддин Нақшбанд асли исмлари – Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин ибн Бурхониддин ибн Шайбон ибн Абдуллоҳ ибн Зайнулобидин ибн Шайбон ибн Саййид Бурхон ибн Саййид Маҳмуд Румий ибн Саййид Исроқ ибн Саййид Тақий ибн Саййид Маҳмуд Жомеъ ибн Саййид Али Акбар ибн Имом Али Тақий ибн Имом Муҳаммад Тақий ибн Имом Али Мусо ар Ризо ибн Зайнулобидин ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толибдир. Насл насаблари Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламга бориб туташади, яъни ота томонидан Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ва оналари томонидан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу орқали. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд - бу мўътабар ном асрлар оша мусулмон оламида инсонларга «Шайх Нақшбанд», «Хўжаи Бузург», «Шоҳ Нақшбанд» номлари билан маълум ва машҳур бўлиб, у зот асос солган сўфийликнинг Нақшбандия тариқати ҳануз кўплаб мухлисларга эгадир.

Ул зот хижрий 718, милодий 1318 йили Бухоро вилоятининг Қасри Хиндувон қишлоғида таваллуд топганлар. Ўша вақтда шаҳардан четроқда бўлган бу қишлоқда хинд қабилалари истикомат қилган. Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд барокотларидан бу қишлоқ Қасри Орифон деб юритилган. Оталарининг исмлари Муҳаммад Жалолиддин бўлиб, бу зот ҳажга борган вақтларида Мадинада вафот этиб, ўша ерда дафн қилинганлар. Волидаларининг исмлари Орифа бўлиб, оталари вафот этганларидан сўнг, Баҳоуддин Нақшбанд тарбияларини ўз зиммаларига олганлар. Солиҳа, илмли аёл бўлганлар. Баҳоуддин Нақшбанд волидаларининг муборак қабрлари ҳам Қасри Орифонда. Ҳозирги кунда у ер қайтадан таъмирдан чиқарилди. Бу масканда Биби Орифа билан бирга яна бир неча номаълум улуғларнинг қабрлари жойлашган.

Хўжа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари Саййид Амир Кулолга шогирд тушган бўлсалар ҳамки, манбаларда у кишининг ўзларидан бир неча саналар илгари ўтиб кетган. Хўжа Абдуҳолик Гиждувоний ҳам устозлари эканликлари қайта-қайта таъкидланади. Бу хилдаги маънавий тарбияга тасаввуф оламида «увайсийлик йўли» деган ном берилган.

Хўжа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг олий мақомлари у кишининг ёшлик чоғлариданок зохир бўла бoshлаган. У зот ўта зехнли ва идрокли бўлганлар. Аллоҳ таоло бу кишига улуғ зотларга шогирд бўлиш бахтини берган. Хўжа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари гўдаклик чоғларида Муҳаммад Бобойи Самосий ҳазратларининг ҳузурларида тарбия олдилар. Хўжа Баҳоуддин Муҳаммад Бобойи Самосий ҳузурларида шогирд сифатида келишлари билан дарҳол у кишининг суҳбатларига иштирок этганлар.

Муҳаммад Бобойи Самосийнинг вафотларидан кейин Хўжа Баҳоуддин Амир Кулол суҳбатларидан баҳраманд бўлганлар ва у кишининг вафотидан сўнг яна етти йил Хўжа Ориф Дигтаронийдан таълим олганлар. Сўнгра Хўжа Халил Ота ҳазратларининг ҳузурларида ҳам ўн икки йил хизмат қилганлар.

Бу зоти бобарокот икки марта пойи пиёда ҳажга бориб келганлар. Б.Нақшбанд оилали бўлиб, бир киз ва бир ўғилнинг отаси бўлганлар. Ўғиллари ёш, вояга етмасдан вафот этган, кизлари эса вояга етганидан кейин ўзларининг хос шогирдларидан бири бўлган Алоуддин Аттор ҳазратларига узатганлар. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳамда нақшбандий шайхлар тўғрисида ғалай асарлар яратганлар. Биргина Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасининг ўзида нақшбандийликка доир 195 та китоб мавжуд.

Ҳазрат Хўжа Баҳоуддиннинг сифат ва унвонлари жуда кўп бўлган, жумладан: «Аш-Шайхуш-шуоҳ» (Шайхларнинг шайхи), «Ал-Ажал ал-кабир» (Буюк даҳо), «Мухйис-сунна» (Суннатни тириштирувчи), «Моҳиюл-бидъа» (Бидъатни йўқ қилувчи), «Кошиф ул-хақоик» (Ҳақиқатни кашф қилувчи), «Музҳир уд-дақоик» (Дакик маъноларни зохир қилувчи), «Хужжат ул-Ҳаққи вад-дин вал халқ» (Ҳақ таоло ва диннинг бандаларга хужжати), «Баҳо ул-Ҳаққи вад-дин» (Ҳақ таоло, шарият ва диннинг нури) деган мактовларга эга бўлганлар.

Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳақида жуда кўплаб манокиблар битилган. Улардан энг асосийлари Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» (XV аср), Салоҳ ибн Муборакнинг «Анис ут-толибин ва уддат ус-солиқин» (XIV аср), Абул Қосим Муҳаммад Бухорийнинг «Рисолат ул-Баҳоийа» (XV аср), Абул Қосим Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрати Хўжаи Нақшбанд» (XVI аср), Мулла Фанорий Шамсиддиннинг «Рисола фи манокиб шайх Баҳоуддин Нақшбандий» (XV аср), Абдурахмон Жомийнинг «Нафақот ул-анс», «Тухфат ул-аҳрор» (XVI аср), Фаҳридин Али Сафийнинг «Рашаҳот айнул-ҳаёт» (XVI аср), Аҳмад Акбарободийнинг «Мақомоти Ҳазрати Шоҳи Нақшбандий» (XVIII аср) каби асарлардир.

У кишининг ёдгорлик мажмуаси беш юз йил мобайнида шаклланди. Унинг илк тарихи тўғрисида маълумотлар жуда оз. Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари олдидаги дастлабки бинолар, тахминан ҳазрат вафотларидан

Кейин курилган. Меъморий-археологик тадқиқотлар даврида илк биноларнинг қолдиқлари ва асослари топилди. Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кўп ўтмай ҳазрат макбараларининг ғарбий томонида қабристон пайдо бўлиб, унда ҳазратнинг мурид-мухлислари дафн қилина бошлаган. Кейинчалик бу ерда Бухоронинг ҳукмрон сулола вакиллари дафн қилинадиган “Дахман шоҳон” ташкил топган. XV аср охирида Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари устига дахма қурилиб, у мармар коплама ва ўлчамлари бўйича бир-бирига мос келадиган гўзал нақшкор мармар панжара билан безатилган. XVI аср биринчи ярмида шайбоний Абдулазизхон (1540-1590) буйруғи билан Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари атрофида ҳазира билан ўраб олинади; унинг шимолий-ғарбий бурчагида эса хижрий 951 (милодий 1545) йилларда хонақоҳ барпо этилган. Ҳазиранинг шимолий томонидаги ховуз ҳам шу пайтда қурилган бўлиши тахмин қилинади.

ҚАЛБЛАРГА НАҚШ ЧИЗГАН АВЛИЁ

Шавкат Бобоҷонов - БухДУ, Тарих кафедраси ўқитувчиси
Адиба Умарова - БухДУ, Тарих таълим йўналиши IV- босқич талабаси

Етти асрки инсониятга “Даст ба қор-у, дил ба ёр”, яъни “қўлинг меҳнатда, дилинг Аллоҳда бўлсин” ғояси орқали маърифат улашиб келадиган Ҳазрат Баҳоуддин “Шоҳи”, “Ҳожаи Бузрук”, “Балогардон”, “Шайхлар шайхи” номлари билан шуҳрат қозонган улуғ пирнинг касблари матога гул, нақш босувчи бўлганлиги боис Нақшбанд таҳаллусини олган.

Тасаввуфда нақшбандия тариқатининг асосчиси ҳисобланган қароматпеша зот таълимотининг асосида ҳар бир кишининг дили ёр (Яратувчи) билан, қўли эса иш билан банд бўлмоғи керак деган ғоя ётади. Нақшбандия таълимотида руҳий тараққиёт босқичларига тўрт зина орқали чиқилади: Шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат... Баҳоуддин Нақшбанд ислом дини кўрсатмаларига қатъий итоат қилиб тирикчилик қилишга, моддий фақирлик, аммо маънавий бойлик сари ундайди. Хайр-эҳсон ҳисобидан эмас, балки қўл меҳнати билан кун кечиришни тавсия этади.

Ҳазрат Баҳоуддин ўта хожатбарор бўлган. Нақл қилинишича, Баҳоуддин Қасри Орифонда қуриладиган масжидда хизмат қилиб, масжид томига тупроқни бошларининг устига қўйиб ташибдилар ва қуйидаги байтни ўқибдилар:

Ба жон меқунам кори ту, чаро нақунам?

Ба сар мекашам бори ту, чаро накашам'?

Мазмуни: Аллоҳим сенинг хизматингни жоним билан адо қиламан, нега уни адо қилмас эканман? Сенинг ёқининги бошимда кўтараман, нега кўтармас эканман? Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Бир ривоятда Ҳазрат Баҳоуддин қўлларидан бир неча йил тупроқ ҳиди аримаганлиги ҳақида хабар берилган, негаки, бу зоти шариф кечалари кўча-кўйларни кафтлари билан сийпалаб, ўнқир-чўнқирларни текислаб, йўлда ётган хас-хашак, тиканларни териб юрар эканлар. Бундан мақсад йўлдан ўтаётиб, бирор намозхон ёки сўқир киши тўқиниб йиқилмасин, азият чекмасин экан. Зеро, Аллоҳ ризолиги йўлида қилинган хизматни ёлғиз Аллоҳ билмоғи керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳам бошқа тариқат пирлари сингари ўз ҳалол меҳнати эвазига кун кечирган, тиланчилик қилиб нон топишдан кўра, пешона тери тўкиб нон тошганини афзал кўрган. Яъни, Аллоҳ номини қалбга нақш айлаб, қўлни ҳалол меҳнатга банд қилишни тадбиқ этган.

Баҳоуддин ўз хоҳишлари билан озга қаноат қилиш, камбағал ҳаёт кечириш, дунё, мол-мулк ва дабдалаи ҳаётдан воз кечишни тарғиб қилганлар. У кундалик тирикчилиги учун бир парча нонни ўз меҳнати билан ишлаб топган, эски бўйро устида сопол кўзадан сув ичиб ҳаёт кечирган ва сўфи учун хизматкор ва қўллар сақлашни гуноҳ деб билган. Буни Баҳоуддиннинг ўз рубойларидан бирида ҳам кўришимиз мумкин:

Ҳеч монеу, ҳеч молатне?

Аспан ҳеч, ҳеч мо гамне?

Жонда бар пушт, пушти гўристон,

Гар бимирем, ҳеч мотамне.

Мазмуни: Фақирмиз, лек эмасмиз ҳеч кимдан кам

Бизда йўқдир, ҳеч нарсадан андуҳ гам

Жонда кийиб яшаймиз то гўристон,

Ҳатто ўлсак, тутилмас бизга мотам².

Ҳазрат Нақшбанд бутун умрини ўз хоҳиши билан фақирлик ва йўқсилликда ўтказган. У ўз қўл кучи билан кун кўришни ёқтирган, топган-гутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган, ҳукмдорлардан доимо ўзини йироқ тутган, улар олдида ҳеч қачон таъмагирлик қилиб яшамаган³.

Ривоят қилинишича, Ҳирот шоҳларидан бири Ҳазрат Баҳоуддин шарафларига зиёфат уюштирибди. Лелин шоҳ зиёфатида қатнашган Баҳоуддин дастурхондан нон ушоғини ҳам олиб оғизларига солмабдилар. Бунинг сабабини шоҳ сўраганда: “Жанобларининг касблари не?”, дебдилар. Шоҳ хайрон бўлиб, “Ҳазрат мен шаҳаншоҳмен! Касбим шу!” деб жавоб берганда, Ҳазрат Баҳоуддин: “Шоҳлик касб эмас. Довуд алайҳиссалом темирчилик қилиб кун кўрган. Сизнинг дастурхонингиздаги ноз-неъматлар пешона тери билан топилганда эди,

¹ Садриддин Салим Бухорий. “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари”-Б.: “Дурдона” нашриёти; 2012-Б.165

² Йўлдошев.Н. “Бухоро авлиёларининг тарихи”-Б.: 1997-Б.

³ Хайруллаев. М.М. “Маънавият юлдузлари”-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти; 1999-Б.150

А.А.Тулаганов. Сўз боши.....	3
I-Шўъба. Абдухолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд шахсияти, маънавий мероси	4
Mohammad Shakib ASIM. İşârî Tefsir Gelenğinde Hâce Muhammed Pârsâ'nın Yeri eği	4
Mustafa Demirci. Maveraü'n-Nehir Havzasında Bilim ve Düşüncenin Gelişmesinin Sebepleri Üzerine(X-XIII yy)	9
Mehmet Necmeddin BARDAQT. Molla AbdullaH ilânî ve tasavvufî düşünceleri	19
Наврўзова Г.Н. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ҲИЖОБ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ХУСУСИДА	32
И. Ҳаққулов ТАСАВВУФ: ТАРИХ, МОҲИЯТ ВА ТАДҚИК ТАЛАБЛАРИ	34
Рустам Шодиев Нақшбандийлик таълимотида устоз-шогирд муносабатлари	36
С.И.Иноят, ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ ҚАРМАНАЛИК ИЗДОШЛАРИ	38
Сафарова Н.О. ХОЖАГОН ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИЛМ ВОЛЮЦИЯСИ	40
Саломова Ҳ.Ю. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУҲИЙ МЕЪЁР МЕЗОНИ ҲАҚИДА	42
Б. Намозов, Баҳоуддин Нақшбанд: Ҳар ким бизни орзу қилса, Муҳаммад Порсога назар қилсин	45
Болтаев А.А. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл ул хитоб” асарида ватандош алломаларимиз тўғрисида	47
Иброҳим Усмонов. АҚИДА ВА ТАСАВВУФ	49
Холида Рахматова. ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЖАҲОНИЙ АҲАМИЯТИ	54
Зоиров Э.Х.Махдуми Аъзам – нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси	55
Нарзис З.И. “Қаф ул маҳжуб”да Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози ҳақида	57
Нурматова Н.У.Шогирд наздида устоз сурат ва сийратлари	59
Abdullaev Yo'ichi Ziyaevich,Tariqat ilmining namoyondasi Hazrat Bahouddin Naqshband tariqat sohibi misolida	61
<u>Абдуллаев Йўлчи Зияевич, Тариқат илмининг намояндаси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тариқат соҳиби мисолида</u>	<u>62</u>
Шавкат Бобожонов, Адиба Умарова ҚАЛБЛАРГА НАҚШ ЧИЗГАН АВЛИЁ	63
К.Намозова. Муҳаммад Бобойи Саммосий ҳақида	64
Халилова Ш.Р. ХОЖА ОРИФ РЕВГАРИЙ-МОҲИТОБОН	65
Ахматов А.Ҳ. Имомов О. У. Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқати	65
Муҳаббат Турсунова Нақшбандия тариқати қоидаларига (рашқаларига) бағишланган тўртликлари	66
O'tayeva Feruza, Bebutova Dilshoda Abdulxoliq G'ijduvoniyy ma'naviy merosi matbuot sahifalarida	67
Насима Қодирова. Ҳазрат Баҳоуддин ҳаёти ҳақидаги бир далил масаласидаги баҳслар хусусида	68
Н.А.Жумаева. Илму – маърифат тарғиботчиси	69
Раъно Раупова, Бобокалонов Пулотшоҳ, Хожа Исмаи дунёқарашида ҳақиқат, иймон ва ибодат масаласи	70
Латилов Жасур. ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИЙ ВА ШАЙХ ШАМСИДДИН КУЛОЛ	72
Jumayeva Feruza, Norova Mavluda. Bahouddin Naqshband shaxsiyati va ma'naviy merosi	73
Б.Б.Дехқонов. АБДУЛХОЛИҚ ГИЖДУВОНИЙ ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЕТТИ ПИР ЗАНЖИРЛАРИ	74
Siddiqov Mirshod. Bahouddin Naqshband shaxsiyati va ma'naviy merosi	75
Soxibova UmidaXon. D. Qodirov. Abdulxoliq G'ijduvoniyning manaviy merosi	77
2-шўъба. Хожагон-Нақшбандия тариқатида касб-хунар эгаллаш, мол-мулк масалалари	79
Р.Э.Қиличев. Агар киши хунари бўлса	79
Ражабова М., Давронова Ш. Алишер Навоий ижодида касб-хунар эгаллаш ва мол-мулк масаласи	79
Ражабов Я.Ж. Ражабова Д.Я.НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ҲАЁТ ТАМОЙИЛИ	81
Ҳайитов Ж.Ш. Сулаймонов Ф.Ф. Устоз синовидан ўтган шогирд	81
Зарипова Г.К. Бозорова Р.Ш.Нақшбандия тариқатининг бошқа тариқатлардан фарқи ва унинг инсон камолотига ижобий таъсири	82
С.Рахимова. ХҲЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА КАСБ-ХУНАР ЭГАЛЛАШ, МОЛ-МУЛК МАСАЛАЛАРИ	84
Гулямова Саодат, Гулямова Сожида МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИГА ШАРҚОНА ЁНДАШУВ	85
3-шўъба. Хожагон-Нақшбандия тариқатининг замонавий цивилизация тарихидаги тутган ўрни	88
Хусейнова А.А.Шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва ижодига Нақшбандия тариқатининг таъсири	88
С.Масайтов/ Сайид Шариф Журжонийни ва уни нақшбандия тариқатидаги ўрни	90
Бобокалонов Рамазон. Нақшбандийлик тариқатига ҳақ сўфийлик ва тасаввуф	92
Шарипов А.З. ХОЖАГОН – НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАҚЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ	93
Сафаров Т.Т. Тасаввуф шайхларининг ижтимоий ва ахлоқий қарашлари	94
Музаффаров Фироз. Муҳаммад Ғаззолий таълимотининг Хожа Муҳаммад Порсонинг дунёқараши тақлидига кўрсатган таъсири	96
Нарзиев З.И. Абдуллаева М. Азизиддин Насафий таълимотида қомил инсонни тарбиялаш муаммолари	97
Л.С.Юлдашева КҲНГИЛНИ ПОҚЛОВЧИ ТАРИҚАТ ЙҲЛИ	100
Пазылов Тура Возникновение суфизма в теории воспитания и обучения	101
Зарипова Г.К. Имомова М.М. Тасаввуфда Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг умрбоқийлиги	102
Jumayeva Ferangiz. Naqshbandiya tariqatining zamonaviy ahamiyati haqida	103
Муртозаев Ш.Б.Шихобуддин Сухравардий ва унинг фалсафий-тасаввуфий қарашлари	104
Kobilova Z.R. Naqshbandiya tariqatining yoshlar axloqiy-ma'naviy tarbiyasidagi ahamiyati	105
Пазылов Тура. Нақшбандия тариқати	106